

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ РАШИТ РАХИМОВИЧ

**БУХОРО ВИЛОЯТИДА ОВЛАНАДИГАН ҲАЙВОН ТУРЛАРИ:
ФАУНАСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА БАРҚАРОР ФЙДАЛАНИЛИШИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахмонов Рашит Рахимович

Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвон турлари: фаунаси, экологияси
ва барқарор фойдаланилиши.....3

Рахмонов Рашит Рахимович

Охотничьи виды животных Бухарской области: фауна, экология и
устойчивое использование.....21

Rakhmonov Rashit Rakhimovich

Hunting animal species of the Bukhara region: fauna, ecology and
sustainable usage39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ РАШИТ РАХИМОВИЧ

**БУХОРО ВИЛОЯТИДА ОВЛАНАДИГАН ҲАЙВОН ТУРЛАРИ:
ФАУНАСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА БАРҚАРОР ФЙДАЛАНИЛИШИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/V196 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.zoology.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холбоев Фахриддин Раҳмонкулович
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Медетов Максетбай Жапакович
биология фанлари доктори

Аметов Якуб Идрисович
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети.

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «27» январь куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (99871) 289-04-65, факс (99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz.)

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Тел.: (99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «27» декабрь куни тарқатилди.
(2019 йил «27» декабрдаги 28 - рақамли реестр баённомаси)


 **Д.А. Азимов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик
 **Г.С. Мирзаева**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим
 **Э.Б. Шакарбоев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида биологик хилма-хилликнинг муҳим таркибий қисми саналган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласига бугунги кунда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса ҳайвонот дунёсидан ов қилиш мақсадида кенг ва баъзан нооқилона фойдаланиш, ов хўжаликларини юритиш соҳасидаги мавжуд муаммолар кўпчилик ҳолларда турларнинг қирилиб кетишига ёки сонини камайишига сабаб бўлмоқда, баъзан улар ноёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларга айланмоқда. Шунга кўра, мазкур масалаларни ўрганиш, уларни ҳал қилиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш ҳайвонларни муҳофаза қилиш, улардан барқарор фойдаланиш, овчилик хўжаликлари юритишни тартибга солиш ҳамда аҳолининг иқтисодий, ижтимоий фаровонлигини оширишда назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда турли ҳайвонларни овлашга, хусусан, ов туризми билан шуғулланишга бўлган қизиқишнинг йилдан-йилга ошиб бориши сабабли овчилик хўжаликларини юритиш тизимини такомиллаштиришга, овладиган турларни махсус кўпайтиришга ва муҳофаза қилишга ҳамда соҳага илғор тажрибаларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, овчилик хўжаликларини юритиш, ов қилишни ташкил қилиш, овладиган турларни махсус кўпайтириш орқали уларнинг барқарорлигини сақлаш ва ов туризмини жорий этиш йўли билан хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш такомиллаштирилди. Овчилик хўжаликлари фаолиятида замонавий услублар ва технологиялардан фойдаланиш натижасида турларнинг сонини ҳамда уларнинг яшаш муҳитининг барқарорлигини сақлашга эришилди. Таъкидлаш лозимки, ҳар бир регионнинг зоогеографик хусусиятларига ва у ердаги овчилик соҳасининг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда, ов объектларининг тури ҳамда овланиш ҳажми ўзаро фарқ қилади. Шунга кўра, муайян регион учун овладиган турлар рўйхатини тузишга, истиқболли турларни иқлимлаштиришга ва овлаш учун тегишли рухсатномалар беришга нисбатан илмий ёндашиш овладиган турлар сонининг камайиб кетишининг олдини олишда, биотехник тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ҳамда амалиётга жорий этишда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда биологик хилма-хилликни сақлаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга ҳамда дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар натижасида сони камайиб кетаётган турларга муҳофаза мақоми берилди, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони кенгайтирилмоқда, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратидан кенг фойдаланиш имкониятлари яратилди ва ов туризмини амалиётга жорий этиш бошланди. Ўзбекистон Республикасини

янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Бухоро вилоятида овладиган ҳайвонлар фаунасини, биоэкологик хусусиятларини, улардан барқарор фойдаланишни ўрганиш ва асослашга, ов объектлари ҳамда уларнинг яшаш муҳитларига бўладиган антропоген омилларнинг таъсирини аниқлаш ва баҳолашга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сон «Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳар бир ҳудуднинг зоогеографик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, овладиган ҳайвонларнинг тур таркиби, овланиш ҳажмлари, ов қилиш ва ов хўжалигини юритиш ҳамда овладиган турлардан барқарор фойдаланишга оид тадқиқотлар хорижлик олимлар С.Д. Fitzgibbon (1995), А. Gammell (1999), L.Munro (1999) G. Griffin (2000), F. Varends (2002), Ph. Chardonnet (2002) ва бошқалар томонидан олиб борилган. МДХ давлатларида ов қилиш ва ов хўжалигини юритишнинг ривожланиш тарихи, ҳаваскорлик ва саноат овининг ўзига хос хусусиятлари, овчилик соҳасидаги муаммолар, овчилик хўжаликларининг антропоген трансформацияси ҳамда ов туризми масалалари бўйича В.Ф. Гаврин (1972), Н.Н. Гракова (1973), С.А. Ларин (1974), В.В. Мельников (1992), В.А. Чащухин (2006), В.Н. Большаков (2012) томонидан кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган айрим хайвон турларининг биологияси, экологияси ва муҳофазаланишига доир тадқиқотлар Н.А. Зарудный (1915), Г.И. Ишунин, Х.С. Салихбаев (1963, 1984), Д.Ю. Кашкаров (1965), Т.З. Захидов (1971), М.Г. Митропольский, О.В. Митропольский ва В.О. Сударев (2011, 2014), Г.Ф. Гончаров (2015), А.А. Атаходжаев ва В.О. Сударев (2017), Я.И. Аметов (2018) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Бирок, юқорида қайд этилган тадқиқотлар ов қилиш, овчилик хўжаликларини юритишнинг замонавий ва илғор тажрибаларини жорий этиш ҳамда ов қилиш, овланадиган турлардан барқарор фойдаланиш соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва асослашга доир батафсил маълумотларни бера олмайди. Шу нуқтаи назардан, Бухоро вилоятидаги овланадиган хайвонларнинг тур таркиби, экологияси ва барқарор фойдаланилишини ўрганиш овчилик хўжаликларини юритишни тартибга солиш, ов туризмини ривожлантириш ҳамда овчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети Биология кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистоннинг чўл зонаси хайвонот дунёсининг фаунаси, экологияси ва барқарор фойдаланилиши» (2011-2018) ва ИТД-7-39 «Бухоро вилояти ҳудудида ўсимлик ва хайвонот дунёсининг кадастрини юритиш» (2015-2017) фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади овланадиган турларнинг фаунистик таркибини, сонини ва экологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда барқарор фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро вилоятида учрайдиган, овланадиган хайвонларнинг турлар хилма-хилигини аниқлаш ва фаунасини таксономик таҳлил қилиш;

овланадиган турларнинг ҳудудий тарқалишини, сон динамикаси ва овланиш ҳажмларини аниқлаш;

овланадиган турларнинг биоэкологик хусусиятларини очиқ бериш;

антропоген омилларни аниқлаш ва уларнинг овланадиган турларга ҳамда уларнинг яшаш муҳитларига таъсирини асослаш;

ов қилиш ва овчилик хўжаликларини юритиш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал қилиш бўйича тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоятида учровчи овланадиган хайвон турлари ва уларнинг яшаш муҳити сифатида овчилик хўжаликлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети овладиган ҳайвон турларининг фаунаси, уларнинг тарқалиши, сони, биоэкологик хусусиятлари, антропоген омилларнинг ҳайвонот дунёсига таъсири, турларни муҳофаза қилиш ва барқарор фойдаланиш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Дисертацияда зоология, экологиянинг асосий методлари ҳамда анкета-сўров методи, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор Бухоро вилоятида овладиган умуртқали ҳайвонлар фаунасини таксономик ҳолатини баҳолаш юзасидан унинг 4 та синф, 13 та туркум, 27 та оилага мансуб 110 турдан ташкил топганлиги аниқланган;

илк бор овладиган умуртқали ҳайвон турларининг овчилик хўжаликлари бўйича тарқалиши ва сон динамикаси очиб берилган;

13 турдаги ҳайвонларнинг тегишли рухсатномалар асосида овчилик хўжаликлари ҳудудида овланиши, 11 турдаги ҳайвонларнинг ноқонуний равишда овчилик хўжаликлари ва бошқа ҳудудлардан овланиши, улардан 4 турининг Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилганлиги аниқланган;

овладиган ҳайвон турларининг биоэкологик хусусиятлари, муҳофазаланиши ва фойдаланилиши аниқланган;

сув ҳавзаларининг овладиган турларнинг яшаш муҳити сифатидаги ўрни ва чўл экотизимлари биохилма-хиллигини сақлашдаги аҳамияти очиб берилган;

овладиган турларга ва уларнинг яшаш муҳитларига таъсир этувчи антропоген омиллар ва уларнинг таъсир этиш даражалари аниқланган;

соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ов туризмини ва саноат овини йўлга қўйиш ҳамда турларни иқлимлаштириш ҳамда овчилик хўжаликларига зиён етказаётган турларнинг сонини бошқариш овчилик хўжаликларининг самарадорлиги оширишда истиқболли эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

овладиган турлардан оқилона фойдаланиш, овчилик хўжаликларининг маҳсулдорлигини ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ов қилиш ва овчилик хўжаликларини юритиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан боғлиқ масалаларни аниқлаш ва уларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий зоологик, экологик, анкета-сўров услубларни қўлланилганлиги, натижаларнинг илмий нашрларда чоп этилганлиги, маълумотларни статистик дастурлардан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинганлиги ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвонлар фаунасининг тур таркиби, тарқалиши, сон динамикаси ва овланиш ҳажмининг аниқланганлиги, овланадиган турларнинг биоэкологик хусусиятлари, муҳофазаланиши, барқарор фойдаланилишининг ўрганилганлиги ҳамда антропоген омилларнинг ҳайвонларга таъсирини баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг биотехник тадбирларни амалга ошириш, квоталарни белгилаш, овчилик хўжаликларининг маҳсулдорлиги ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, ов туризмни ривожлантириш, овчилик соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ҳайвонларни муҳофаза қилиш, барқарор фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвон турларининг фаунаси, экологияси ва барқарор фойдаланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

овланадиган ҳайвон турлари ва уларнинг тана қисмлари бўйича йиғилган коллекция намуналари республикада етакчи бўлган «Зоология коллекцияси» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 26 апрелдаги 4/1255-1268-сон маълумотномаси). Натижада коллекция фондини республикамизда овланадиган умуртқали ҳайвон турлари ва ҳайвонларнинг электрон маълумотлар базасини бойитиш имконини берган;

овланадиган ҳайвонлардан оқилона фойдаланиш, овчилик хўжаликларининг маҳсулдорлиги ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар спорт бирлашмасининг Бухоро вилоят ҳудудий бўлимида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар спорт бирлашмасининг 2019 йил 26 апрелдаги 57-сон маълумотномаси). Натижада ов қилиш учун мақбул квоталар ажратишни белгилаш ҳамда биотехник тадбирлар ва овланадиган турларни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

ўрмон ов хўжалигининг овчилик соҳасидаги иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган услуб ҳамда соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризацияси бўйича олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти бўлимида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 7 февралдаги 03-02/3-641-сон маълумотномаси). Натижада ҳайвонларнинг кадастри ва ҳисобини юритиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларда, шунингдек, 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Овланадиган ҳайвон турларининг ўрганилганлик ҳолати ва овчилик соҳасининг ривожланиш тарихи”** деб номланган биринчи бобида овланадиган ҳайвон турларига, овчилик ва овчилик хўжаликларини юритилишига бағишланган тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Келтирилган адабиётлар шарҳи шундан далолат берадики, зоогеографик хусусиятлари ва овчилик соҳасини бошқарув тизимининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир регионда ушбу тармоқнинг ривожланиш босқичлари ўзаро фарқ қилади. Илмий адабиётларда Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвонларнинг тур таркиби, экологияси ва барқарор фойдаланилиши тўғрисидаги материаллар учрамайди. Бу ўз навбатида мазкур масалаларни Ўзбекистоннинг чўл зонаси, жумладан, Бухоро вилоятида ўрганишнинг долзарблигини тасдиқлайди.


Диссертациянинг иккинчи бобида **“Овланадиган ҳайвон турларини ўрганиш услублари ва материали”** келтирилган. Материаллар 2010-2018 йилларда Бухоро вилоятининг овчилик хўжаликлари (Қорақир, Шўркўл, Зикри, Қоракўл, “Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ) ва уларга чегарадош ҳудудлардан (агроценозлар, кўллар, коллекторлар, чўл ландшафтлари) йиғилди (1-расм).

Материаллар умум қабул қилинган зоологик, экологик, статистик, анкета-сўров ва қиёсий таҳлил усулларида йиғилди ва қайта ишланди (Новиков, 1953; Коли, 1979; Песенко, 1982; Челинцев, 1985; Кузякин,

2017; Ҳайвонларнинг сонини ҳисобга олиш бўйича йиғилган материалларни статистик ишлашда Microsoft Office Excel 2013 дастуридан фойдаланилди.

Ноқонуний овланган ҳайвонларнинг тур таркиби ва овланиш ҳажмини аниқлаш мақсадида анкета-сўров натижаларидан фойдаланилди.

Жами 358 та ҳисоб ишлари амалга оширилди, йирик масштабли карталар ва шагомердан фойдаланган ҳолда аниқланган маршрут узунлиги 1212 км. ни ташкил этди. Ҳайвонлар жамоасининг зичлиги ҳисоб натижаларини 10 гектарли ўлчовдош майдонга экстраполяция қилиш орқали аниқланди. Қушларнинг қайси турга мансублигини ва сонини ҳисобга олишда Cinema Res 1200x видео камераси ва Viking 10x50.биноклидан фойдаланилди.



1-расм. Тадқиқот ўтказилган ҳудуд харитаси

Диссертация ишининг учинчи боби “Овланадиган ҳайвонлар фаунасининг таксономик таҳлили, ҳудудий тарқалиши ва сони” деб номланиб, ушбу бобда Бухоро вилоятидаги овланадиган турларнинг фаунистик таҳлили, овчилик хўжаликлари кесимида тур таркиби ва тарқалиши ҳамда ҳайвонларнинг хилма-хиллигини, тарқалишини, сон

динамикаси ва овлаш ҳажмларини белгиловчи омилларни ўрганиш натижалари келтирилган. (1-жадвал, 2-расм).


1-жадвал

**Бухоро вилоятида овладиган ҳайвонлар фаунасининг
таксономик таҳлили**

№	Синф	Туркум	Оила	Тур сони
1	<i>Amphibia</i>	<i>Anura</i>	<i>Ranidae</i>	1
2	<i>Reptilia</i>	<i>Squamata</i>	<i>Gekkonidae</i>	4
			<i>Lacertidae</i>	4
			<i>Colubridae</i>	6
			<i>Viperidae</i>	1
3	<i>Aves</i>	<i>Pelecaniformes</i>	<i>Phalacrocoracidae</i>	1
		<i>Anseriformes</i>	<i>Anatidae</i>	19
		<i>Galliformes</i>	<i>Phasianidae</i>	4
		<i>Gruiformes</i>	<i>Rallidae</i>	3
		<i>Charadriiformes</i>	<i>Burhinidae</i>	1
			<i>Charadriidae</i>	13
			<i>Recurvirostridae</i>	2
			<i>Haematopodidae</i>	1
			<i>Scolopacidae</i>	21
		<i>Columbiformes</i>	<i>Pteroclididae</i>	1
			<i>Columbidae</i>	3
		<i>Passeriformes</i>	<i>Sturnidae</i>	3
			<i>Corvidae</i>	7
4	<i>Mammalia</i>	<i>Lagomorpha</i>	<i>Leporidae</i>	1
		<i>Rodentia</i>	<i>Sciuridae</i>	3
			<i>Myocastoridae</i>	1
			<i>Criceidae</i>	1
		<i>Carnivora</i>	<i>Canidae</i>	3
			<i>Mustelidae</i>	1
			<i>Felidae</i>	2
		<i>Artiodactyla</i>	<i>Suidae</i>	1
Жами	4	13	27	110

Таксономик таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда 150 турдаги умуртқали (балиқлардан ташқари) ҳайвонларнинг овлашга рухсат этилганлиги аниқланди. Шундан Бухоро вилоятида 4 синф, 13 туркум ва 27 оилага мансуб 110 турининг учраши қайд этилди. Уларнинг 13 тури (11,8%) сут эмизувчилар, 81 тури (73,6%) қушлар, 15 тури (13,6%) судралиб юривчилар ва 1 тури (0,9%) сувда ҳам қуруқликда яшовчилар синфларига мансуб.

Овчилик хўжаликлари кесимида турлар хилма-хиллиги деярли бир хил, аммо ҳайвонлар жамоаси зичлигининг кўрсаткичлари жуда ўзгарувчан хусусиятга эга. Мазкур ҳолатларга овчилик хўжалиқларининг жойлашган жойи (кўллар ва уларнинг қирғоқ зонаси), улар майдонининг ҳажми ва антропоген зўриқишга берилганлик даражаси сабаб бўлади.



2-расм. Бухоро вилоятидаги овладиган ҳайвонлар фаунасида синфларнинг ҳиссаси

Тадқиқотлар давомида, Бухоро вилоятдаги овчилик хўжалиқларида 13 турдаги (*Sus scrofa*, *Meles meles*, *Lepus capensis*, *Vulpes vulpes*, *Canis aureus*, *Anser anser*, *Netta rufina*, *Aythya ferina*, *Anas platyrhynchos*, *Anas crecca*, *Fulica atra*, *Phalacrocorax carbo*, *Pterocles orientalis*) ҳайвонларнинг расмий равишда овланиши аниқланди ва бу овлашга рухсат этилган ҳайвонларнинг атиги 11,1 % ни ташкил этади. Улар орасида рептиялар ва амфибилар синфларининг вакиллари учрамайди.

Овчилик хўжаликлари ва уларга чегарадош ҳудудларда 11 турдаги ҳайвонларнинг (*Gazella subgutturoza*, *Canis lupus*, *Felis libyca*, *Ondatra zibethicus*, *Phasianus colchicus*, *Pterocles orientalis*, *Columba livia*, *Merops persicus*, *Eryx miliaris*, *Varanus griseus*, *Agrionemys horsfieldi*) ноқонуний (браконьерлик) овланиши аниқланди. Улар орасида тўртта тур (*Gazella*

subgutturoza, Varanus griseus, Agrionemys horsfieldi, Eryx miliaris)
Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган (2-жадвал).

2-жадвал


Овчилик хўжаликларида ҳайвонларнинг ўртача йиллик овланиш ҳажми

Ҳайвон турлари	Овчилик хўжалиklarининг номи					
	Қорақир овчилик хўжалиги	Шўркўл овчилик хўжалиги	Зикри овчилик хўжалиги	Қорақўл ўрмон-ов хўжалиги	“Peshku Qoraqir qo'rg'ini” МСНҲ	Бухоро вилояти бўйича ўртача йиллик овланиш ҳажми
<i>Anser anser</i>	925	168	517	31	337	1978
<i>Anas crecca</i>	380	74	155	-	25	634
Ўрдақлар	3755	827	1655	296	187	6720
<i>Fulica atra</i>	650	158	1125	50	-	1983
<i>Phalacrocorax carbo</i>	242	85	172	-	-	499
<i>Pterocles orientalis</i>	267	200	676	-	-	1143
<i>Sus scrofa</i>	3,25	-	-	-	3,75	7
<i>Meles meles</i>	15		6		4	25
<i>Lepus capensis</i>	592	225	360	70	75	1322
<i>Vulpes vulpes</i>	-	-	-	-	6	6
<i>Canis aureus</i>	-	-	-	-	7	7
Ўртача йиллик овланиш ҳажми	6829	1737	4666	447	644	14323

Ўртача йиллик сони бўйича *Lepus capensis* (1680) ва *Fulica atra* (10899) юқори, *Sus scrofa* (26) ва *Anser anser* (231 та) паст кўрсаткичларни

эгаллайди. Овланиш ҳажми бўйича катта кўрсаткич қушларга тўғри келади (ўрдаклар (6720), *Fulica atra* (1983), *Anser anser* (1978), аксинча сут эмизувчиларнинг (*Sus scrofa*, *Vulpes vulpes* ва *Canis aureus*) овланиш ҳажмидаги ҳиссаси жуда кам бўлиб, бир йилда атиги 6-7 бошни ташкил этади.

Ҳайвонларнинг ўртача йиллик овланиш ҳажми бўйича Қорақир овчилик хўжалиги энг юқори (6829; 48%), Қоракўл ўрмон-ов хўжалиги энг паст (447; 3%) кўрсаткични эгаллайди (3-расм).



3-расм. Овчилик хўжаликлари кесимида ҳайвонларнинг ўртача йиллик овланиш ҳажми (%)

2016-2018 йилларда овчилик хўжаликларида ва уларга чегарадош бўлган жойларда жуда кўп миқдордаги (32569) ҳайвонлар ноқонуний ов (браконьерлик) орқали овланган, *Merops persicus* (10860), *Columba livia* (9790), ҳамда Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган турлар *Gazella subgutturoza* (72) ва *Varanus griseus* (178), *Agrionemys horsfieldi* (1175), *Eryx miliaris* (1118), шулар жумласидандир (3-жадвал). Бундай вазият, овчилик фаолиятини юритиш ва уни назорат қилиш бўйича муаммоларининг мавжудлигини ва уларнинг соҳада амал қилувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан боғлиқлигини исботлайди.

3-жадвал

Бухоро вилоятидаги туманлар кесимида ноқонуний овланган хайвон турлар ва уларнинг овланиш ҳажмлари

Турлар	Бухоро вилоятидаги туманлар											Жами
	Қоракўл	Олот	Жондор	Пешку	Ромитан	Шофиркон	Ғиждувон	Вобкент	Бухоро	Когон	Қоравулбозор	
Овлаш учун квоталар ажратилмаган турлар												
<i>Agrionemys horsfieldi</i>	350	120	160	380	240	80	50	20	70	45	260	1775
<i>Eryx miliaris</i>	200	380	60	85	132	24	120	40	31	6	40	1118
<i>Varanus griseus</i>	7	20	14	8	30	18	50	5	-	2	24	178
<i>Phasianus colchicus</i>	80	45	58	110	87	78	90	68	54	35	80	785
<i>Columba livia</i>	450	340	560	1430	1300	1200	1470	840	510	1.220	470	9790
<i>Pterocles orientalis</i>	-	26	20	46	20	8	12	-	-	56	82	270
<i>Merops persicus</i>	850	290	580	240	900	2200	700	1500	800	1200	1600	10860
<i>Gazella subgutturosa</i>	12	20	4	6	-	-	4	-	-	2	24	72
<i>Canis lupus</i>	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	1
<i>Felis libyca</i>	4	2	5	7	7	3	4	-	2	3	8	45
<i>Ondatra zibethicus</i>	90	74	128	230	200	120	170	48	124	86	230	1500
Овлаш учун квоталар ажратилган турлар												
<i>Ўрдақлар</i>	640	340	820	235	370	150	580	160	90	230	480	4095
<i>Fulica atra</i>	70	120	180	260	230	50	160	40	36	54	245	1445
<i>Sus scrofa</i>	4	2	1	2	4	1	2	-	-	-	2	18
<i>Vulpes vulpes</i>	2	-	2	3	1	-	-	-	1	-	2	11
<i>Canis aureus</i>	4	2	3	6	4	2	2	-	1	-	3	27
<i>Lepus capensis</i>	8	16	42	35	30	22	24	4	8	14	24	227
<i>Meles meles</i>	2	2	8	12	30	45	14	4	3	6	3	129
<i>Anser anser</i>	8	4	6	45	66	6	12	-	4	28	44	223
Жами	2781	1803	2652	3140	3651	4007	3464	2729	1734	2987	3621	32569

Диссертациянинг “Овланадиган ҳайвон турларининг биоэкологик хусусиятлари ва уларга антропоген омилларнинг таъсири” деб номланган тўртинчи бобида ов объекти сифатида овланадиган турларнинг (*Sus scrofa*, *Meles meles*, *Lepus capensis*, *Vulpes vulpes*, *Canis aureus*, *Anseriformes* туркуми турлари, *Fulica atra*, *Phalacrocorax carbo*, *Pterocles orientalis*, *Gazella subgutturosa*, *Ondatra zibenthicus*, *Phasianus colchicus*, *Columba livia*, *Merops persicus*, *Agrionemys horsfieldi*, *Eryx miliaris*, *Varanus griseus*) биоэкологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган. Ҳар бир тур қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланган: сони ва овланиш ҳажмлари, овланадиган турларнинг ҳаёт фаолияти (ўлжа) маҳсулотларининг фойдаланилиши, муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш бўйича тавсия этиладиган биотехник ва бошқа тадбирлар.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида овланадиган турлар ва уларнинг яшаш муҳитларига антропоген омилларнинг таъсирининг таҳлили натижалари келтирилган. Омилнинг таъсир этиш даражаси таъсир келтириб чиқарган оқибатларни ўрганишга асосланган ҳолда, баллик тизимда аниқланган (4-жадвал). Таъсир қилиш даражаси бўйича, овчилик хўжаликларида ўсимликларни пайҳон қилиш ва чорвачиликни юритиш, шунингдек ноқонуний ов қилиш энг салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

4-жадвал

Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвон турлар ва уларнинг яшаш муҳитига антропоген омилларнинг таъсир даражаси

Турлар	Антропоген омилларнинг турлари ва уларнинг таъсир даражаси (балл ҳисобида)							
	Браконьерлик	Дехқончилик	Чорвачилик	Ўсимликларни пайҳон қилиш	Рекреация	Гидрорежимнинг ўзгариши	Георазведка ва коммуникация	Таъсирлар даражасининг умумий йиғиндиси
Сувда сузувчи куш турлари	2	1	1	2	1	3	0	10
<i>Pterocles orientalis</i>	1	2	2	2	0	1	1	9
<i>Sus scrofa</i>	3	0	2	3	1	2	1	12
<i>Meles meles</i>	3	1	2	2	0	1	1	10
<i>Lepus capensis</i>	1	1	3	3	0	0	2	10
<i>Vulpes vulpes</i>	0	0	1	2	0	0	2	5
<i>Canis aureus</i>	0	0	1	2	0	0	2	5
<i>Felis libyca</i>	0	0	3	2	0	0	0	5
Таъсир даражасининг умумий миқдори	10	5	15	18	2	7	9	

Бобнинг учинчи бўлимида, бугунги кунда овладиган ҳайвон объектларининг ҳисобини, фойдаланиш ҳажмини ва кадастрини юритиш ҳамда ов қилиш учун квоталар белгилаш фаолиятларининг ҳозирги ҳолати белгиланган тартибларга мувофиқ эмаслиги ёки уларнинг натижаларини рухсат бериш тартиб-тамойилларида ҳисобга олинмаслиги аниқланди. Жумладан, 2015-2017 йилларда ажратилган квоталарни ўзлаштириш даражаси атиги 35-40% ни ташкил этган.

Диссертациянинг **“Овчилик хўжалигини юритишни оптималлаштириш ва овладиган турлардан барқарор фойдаланиш”** деб номланган бешинчи бобида, овчилик хўжаликларининг биологик хилма-хилликни сақлашдаги аҳамиятини, ов қилиш соҳасида амал қилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги такомиллаштиришни талаб қилувчи муаммоларни, овчилик хўжаликлари фаолиятини оптималлаштириш масалаларини, ов туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришни ўрганишнинг натижалари келтирилган.

Биринчи бўлимда, ҳайвонларнинг яшаш муҳити сифатида овчилик хўжаликларининг (Қорақир, Шўркўл, Зикри, Қоракўл, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni) экологик хусусиятлари баён этилган. Овчилик хўжаликларининг аҳамияти улардаги турлар хилма-хиллиги, сони, иқтисодий ҳолати ва бошқа қиёсий кўрсаткичлари асосида аниқланган. Тадқиқот натижалари ва халқаро амалиётни таҳлилдан келиб чиққан ҳолда, вилоятдаги айрим сув ҳавзаларини (Тўдакўл, Қуйимозор) Рамсар рўйхатига киритиш ва уларга орнитологик буюртмахона мақомини бериш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ов қилиш ва овчилик хўжаликларини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда айрим муаммоларнинг борлиги (субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ноаниқлиги, тарқоқлик ва бошқ.) ва уларнинг биотехник тадбирлар, овладиган ҳайвонлар объекти ва овланиш ҳажмининг ҳисобини юриш каби ишларнинг қониқарсиз бажарилишига сабаб бўлаётганлиги аниқланди.

Мазкур бобнинг ов туризмни жорий этишнинг истиқболларига бағишланган бўлимида, Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларининг туристик имкониятлари ва афзалликларини ўрганиш натижалари келтирилган. Ўрганилган овчилик хўжаликларида ов туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги афзалликлари билан тавсифланади: мажбуриятлар ҳамда ов объектларини муҳофаза қилиш, такрор ишлаб чиқариш ҳамда улардан барқарор фойдаланишга қаратилган тадбирлар ўз вақтида сифатли бажарилади; чўл экотизимларининг биологик хилма-хиллиги сақланади; ноқонуний ов ва бошқа салбий таъсирлар устидан назорат кучаяди; овчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги ортади.

ХУЛОСАЛАР

«Бухоро вилоятида овладиган ҳайвон турлари: фаунаси, экологияси ва барқарор фойдаланилиши» мавзусидаги диссертация ишини бажариш доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илмий изланишлар натижасида Ўзбекистонда 150 турга мансуб ҳайвонларнинг овлашга рухсат этилганлиги ва шундан Бухоро вилоятида 4 синф 13 туркум 27 оилага мансуб 110 турнинг учраши аниқланди.

2. Бухоро вилоятида 13 турдаги ҳайвонларнинг (*Sus scrofa*, *Meles meles*, *Lepus capensis*, *Vulpes vulpes*, *Canis aureus*, *Anser anser*, *Netta rufina*, *Aythya ferina*, *Anas platyrhynchos*, *Anas crecca*, *Fulica atra*, *Phalacrocorax carbo*, *Pterocles orientalis*) расмий равишда овланиши, 11 турнинг (*Gazella subgutturoza*, *Canis lupus*, *Felis libyca*, *Ondatra zibethicus*, *Phasianus colchicus*, *Pterocles orientalis*, *Columba livia*, *Merops persicus*, *Eryx miliaris*, *Varanus griseus*, *Agrionemys horsfieldi*) ноқонуний овланиши аниқланди.

3. Вилоятдаги овчилик хўжаликларида овладиган турларнинг ҳудудий тарқалиши ўхшаш бўлиб, бу хўжаликларнинг барчасини сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зонасида жойлашганлиги, улардаги экологик шароитларнинг ўхшашлик хусусияти билан изоҳланди.

4. Овчилик хўжаликларидаги ўртача йиллик сони бўйича сут эмизувчилардан *Lepus capensis* (1680 та), қушлардан *Fulica atra* (10899 та) энг юқори кўрсаткични, *Sus scrofa* (8 та) ва *Anser anser* (231 та) энг паст кўрсаткични эгаллаши аниқланди ва ушбу кўрсаткичларнинг овчилик хўжаликлари эгаллаган майдоннинг катталиги ҳамда антропоген омилларнинг таъсир даражаси билан боғлиқлиги кузатилди.

5. Яшаш муҳитининг ўзига хослиги билан боғлиқ ҳолда, Бухоро вилоятида овладиган ўтроқ турлар шу турнинг бошқа популяцияларидан тарқалиши, озуқа таркиби, репродуктив циклининг кечишидаги айрим биоэкологик хусусиятлари билан маълум даражада фарқ қилади. Мазкур хусусиятларни регионлар бўйича ўрганиш турларни муҳофаза қилишга йўналтирилган биотехник тадбирларни амалга оширишга ва овлаш учун квоталарни белгилашга асос бўлиши билан изоҳланди.

6. Овчилик хўжаликларида браконьерлик, чорвачилик юритиш, ўсимликларни пайҳон қилиш, гидрорежимнинг ўзгариши, георазведка, коммуникация каби антропоген омилларнинг таъсир этиш даражаси аниқланди ва унинг оқибатлари баҳоланди. Мазкур омилларни назорат қилиш овчилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва хўжаликдаги экологик барқарорлигини таъминлашга эришиш имконини беради.

7. Ов қилиш, ов хўжалигини юритиш, ҳайвонлар кадастри ва ҳисобини юритиш ҳамда биотехник тадбирларни амалга оширишни таҳлил қилиш натижасида аниқланган айрим камчиликлар ҳайвонларни овлаш учун

квоталар белгилаш ва рухсатномалар беришда муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши билан изоҳланди.

8. Бухоро вилоятида овчилик хўжаликлари ривожлантириш мақсадида овчилик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ов туризмини ташкил этиш, *Myocastor coypus* ва *Mustela lutreola* ни иқлимлаштириш ҳамда *Ondatra zibethicus* сонини кўпайтириш орқали саноат овини йўлга қўйиш, овчилик хўжаликларига зиён етказаётган *Vulpes vulpes* ва *Canis aureus* каби турларнинг сонини бошқариш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.B.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАХМОНОВ РАШИТ РАХИМОВИЧ

**ОХОТНИЧЬИ ВИДЫ ЖИВОТНЫХ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ: ФАУНА,
ЭКОЛОГИЯ И УСТОЙЧИВОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/B196.

Диссертационная работа выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на Веб-странице Научного совета (www.zoology.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Холбоев Фахриддин Рахмонкулович
доктор биологических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Медетов Максетбай Жапакович
доктор биологических наук

Аметов Якуб Идрисович
доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация:


Ташкентский государственный педагогический университет


Защита диссертации состоится «27» января 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.B.52.01 при Институте зоологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес:100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б, в зал заседаний Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс: (99871) 289-10-60; E-mail: zoology@academy.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Институте зоологии (зарегистрировано за №27). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан «27» декабря 2019 года.
Протокол рассылки № 28 от «27» декабря 2019 года)




Д.А.Азимов
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор, академик


Г.С.Мирзаева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник


Э.Б.Шакарбоев
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мировом масштабе особое внимание уделяется вопросам охраны и рационального использования животного мира, являющимся основной структурной частью биологического разнообразия. Широкое и, в ряде случаев, нерациональное использование животного мира в целях охоты, существующие проблемы в ведении охотничьих хозяйств во многом становятся причиной исчезновения или сокращения численности определенных видов, а иногда они становятся редкими или исчезающими. В связи с этим, изучение затронутых вопросов и разработка рекомендации по их решению, имеет научный и практический интерес в охране и устойчивом использовании животных, оптимизации ведения охотничьих хозяйств и улучшению экономического и социального благополучия населения.

В мире, год за годом расширяется интерес к охоте разнообразных видов животных и, особенно, занятие охотничьим туризмом, что послужит совершенствованию системы ведения охотничьих хозяйств, специального разведения и охраны охотничьих видов животных и внедрение в сферу передовых опытов. В результате использования современных методов и технологии управления охотничьими хозяйствами достигнуто сохранение численности видов и экологическая устойчивость мест их обитания. Следует отметить, что связанные с зоогеографическими особенностями каждого региона и специфики охоты данной местности, виды объектов охоты и объём их добычи, отличаются. В связи с этим, научные подходы к составлению списка охотничьих видов определенного региона, акклиматизация перспективных видов и представление соответствующих разрешений для охоты имеет научно-практическое значение в предотвращении снижения численности охотничьих видов, разработке и внедрению мер биотехнических мероприятий.

В республике особое внимание уделяется совершенствованию нормативно-правовых актов, направленных на сохранение биологического разнообразия, охране и рациональном использовании животного мира и реализации соответствующих программных мероприятий. В результате осуществляемой работы в данном направлении получены охранные статусы некоторых и видам сокращаемым, расширяются охраняемые природные территории, создаются возможности широкого использования общественного контроля в деле охраны животного мира и начато внедрение охотничьего туризма в практику. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определена задача, которая ставит цель «обеспечение комплексного и эффективного использования природного, минерально-сырьевого, промышленного, сельскохозяйственного, туристического и трудового потенциала каждого региона для ускорения

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». –УП – № 4947 от 7 февраля 2017 года

социально-экономического развития». Исходя из этих задач, научно-исследовательские работы, направленные на изучение и обоснование фауны и биоэкологических особенностей охотничьих животных и их устойчивого использования в Бухарской области, определение и оценка воздействия антропогенных факторов на объекты охоты и мест их обитания имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП–№4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19 июля 2017 года №530 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления лесным хозяйством” и от 7 ноября 2018 года №914 “О ведении государственного учета, учета объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира”, а также других нормативно-правовых документов в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исходя из зоогеографической особенности каждого региона научные исследования, посвященные видовому составу охотничьих животных, объёму добычи, ведению охоты и охотничьего хозяйства, а также устойчивого использования охотничьих видов представлены в работах зарубежных ученых С.Д. Fitzgibbon (1995), А. Gammell (1999), L.Munro (1999), G. Griffin (2000), F. Varends (2002), Ph. Chardonnet (2002) и др. В странах СНГ В.Ф. Гавриным (1972), Н.Н. Граковой (1973), С.А. Лариным (1974), В.К. Мельниковым (1992), В.А. Чашухиным (2006), В.Н. Большаковым (2012) проводились исследования по истории развития охоты и ведению охотничьих хозяйств, особенностями любительской и промысловой охоты, проблемам в сфере охоты, антропогенной трансформации охотничьих хозяйств и охотничьего туризма.

В Узбекистане исследования по биологии, экологии и охране некоторых видов животных, разрешенных к охоте проводились Н.А. Зарудным (1915), Г.И. Ишуниным и Х.С. Салихбаевым (1963, 1984), Д.Ю. Кашкаровым (1965), Т.З. Захидовым (1971), М.Г. Митропольским, О.В. Митропольским и В.О. Сударевым (2011, 2014), Г.Ф. Гончаровым (2015), А.А. Атаходжаевым и В.О. Сударевым (2017), Я.И. Аметовым (2018) и др.

